

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

## **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**4.2022**

**научно-теоретический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2022**



**“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-nazariy, metodik jurnal**

---

Bosh muharrir, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent **YO'LDOSHEV Ro'zimboy**

**TAHRIR HAY'ATI:**

**ABDULLAYEV Bahrom**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**ABDULLAYEV Ikrom**, biologiya fanlari doktori, professor (Xorazm Ma'mun akademiyasi),  
**ABDULLAYEV Ilyos**, iqtisod fanlari doktori, professor (UrDU),  
**ABDULLAYEV Ravshanbek**, tibbiyot fanlari doktori, professor (TATU UF),  
**ABDULLAYEV O'tkir**, tarix fanlari doktori (UrDU),  
**ALEUOV Userbay**, pedagogika fanlari doktori, professor (Nukus davlat Pedagogika instituti),  
**BERDIMUROTOVA Alima**, falsafa fanlari doktori, professor (QDU),  
**DAVLETOV Sanjarbek**, tarix fanlari doktori (UrDU),  
**DO'SCHONOV Tangribergan**, iqtisod fanlari doktori, professor (UrDU),  
**HAJIYEVA Maqsuda**, falsafa fanlari doktori, professor (UrDU),  
**IBRAGIMOV Zafar**, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent (PhD, UrDU),  
**IBRAGIMOV Zair**, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD, AQSH),  
**IMOMQULOV Sevdiyor**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**JUMANIYAZOV Maqsud**, texnika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**JUMANIYOZOZ OVtaboy**, filologiya fanlari nomzodi, professor (UrDU),  
**KALANDAROV Aybek**, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD, mas'ul kotib, UrDU),  
**KAVALYAUSKAS Vidas**, gumanitar fanlar doktori, professor (Litva universiteti),  
**NAVRUZOV Qurolboy**, fizika-matematika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**OLLAMOV Yarash**, yuridik fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xorazm viloyatidagi Xalq qabulxonasi bosh mutaxassisasi),  
**OTAMURODOV Sa'dulla**, falsafa fanlari doktori, professor (Toshkent, Kimyo-tehnologiya instituti),  
**PRIMOV Azamat**, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent (UrDU),  
**QUTLIYEV Uchqun**, fizika-matematika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**RO'ZIYEV Erkinboy**, pedagogika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**SADULLAYEV Azimboy**, fizika-matematika fanlari doktori, akademik (O'zMU),  
**SADULLAYEVA Nilufar Azimovna**, filologiya fanlari doktori (O'zMU),  
**SAGDULLAYEV Anatoliy**, tarix fanlari doktori, akademik (O'zMU),  
**SALAYEV San'atbek**, iqtisod fanlari doktori, professor (Xorazm viloyati hokimligi),  
**SALAYEVA Muxabbat**, pedagogika fanlari doktori (UrDU),  
**SATIPOV G'oipnazar**, qishloq xo'jalik fanlari doktori, professor (UrDU),  
**XODJANIYOZOZ Sardor**, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o'rinnbosari, (UrDU),  
**YOQUBOV Jamoliddin**, filologiya fanlari doktori, professor (O'zDJTU),  
**O'ROZBOYEV Abdulla**, filologiya fanlari doktori (UrDU),  
**O'ROZBOYEV G'ayrat**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**G'AYIPOV Dilshod**, filologiya fanlari doktori, dotsent (UrDU).

**JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN•JURNAL  
OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI•2022 4(178)**

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti•Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tgan•**GUVOHNOMA № 1131.**

## MUNDARIJA

### FIZIKA-MATEMATIKA

|  |    |
|--|----|
| Baltayeva Umida Ismoilovna, Xasanov Boburjon Masharipovich. O'zgaruvchi koefitsiyentli yuklangan issiqlik tarqalish tenglamasi uchun qo'yilgan to'g'ri masala.....                           | 3  |
| Курбонов Эргаш Куролович, Ботиров Досткул, Файзуллаев Шерзод Усмон угли. Опорные числа и опорные плоскости правильных многогранных поверхностей.....   | 7  |
| Болтаев Хабибжон Хамитович. Вещественный аналог понятия парной константы Неймана-Мюррея.....   | 10 |
| Эшниязов Абдумалик Искандарович. Об описаниях крайних точек множества бистохастических квадратичных операторов.....  | 13 |
| Xasanov Muzaffar Masharipovich, Yakubov Hamdam Ergash o'g'li, Hayitboyev Ilyos Ilhomboyevich. Integration of the Modified Korteweg-De Vries Equation in the Class of Periodic Functions..... | 17 |
| Жўраев Даврон Аслонкулович, Махмасоатов Мухиддин Гайрат угли, Махмасоатов Шербек Гайрат угли. Решение задачи коши для системы римана типа уравнений Бюргерса.....                            | 23 |
| Baimankulov A., Ismailov A., Erken A. Limitation of the Solution of the Problem of Calculation of the Thermal Conductivity Coefficient of Materials.....                                     | 27 |
| Baimankulov A., Urazboev G., Vereshaga S. Stability of the Approximate Method Determination of the Soil Diffusion Coefficient.....   | 30 |

### MEXANIKA

|   |    |
|---|----|
| Norkulav Bexzod Eshmirzayevich, Xidirov San'at Kuchkarovich, Kosimov Jaxongir Ablokulovich, Kubonov Azizali Ilhomovich, Kubonov Azamat Ilhom o'g'li. Nasos stansiyalarining ish rejimini inobatga olib, suv olib kelish kanalining gidravlik parametrlarini baholash..... | 34 |
|---|----|

### AXBOROT TEKNOLOGIYALARI

|  |    |
|--|----|
| Байжонова Людмила Эгамбердиевна. О классах QoS мультимедийных сетей связи..... | 40 |
|--|----|

### FALSAFA

|   |    |
|---|----|
| Жуманиязова Махира Раҳимберган қизи. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари..... | 49 |
| Суюнов Шерзод Болиқулович. Milliy taраккиёт жараённада ўзбек тилининг миллий ўзликни англашга таъсири.....        | 51 |
| Исомиддинов Юнусжон Юсуббоевич. Коррупция тарихи, унинг давлат ва жамият бошқарувига таъсири.....                 | 54 |

### TILSHUNOSLIK

|   |    |
|---|----|
| Уралов Азамат Бегнарович. Морфем синтагматика ва структур асимметрия муносабати.....  | 57 |
| Маткаримова Ашурхон Исломиловна. Тилшунослиқда майдон назариясига бир назар.....  | 62 |
| Якубов Жамолиддин, Рўзметов Ҳамиджон. Француз тили оғзаки нуткида қўлланган жаргонларнинг ўзбек тили таржимасидаги ўзига хос лексик-семантик хусусиятлар..... | 65 |
| Шарипов Соҳиб Салимович. Таржимавий лексикографиянинг тарихий ва хронологик хусусиятлари.....   | 69 |
| Холматова Вазира Нарзуллаевна. Тилшунослиқда гапнинг pragmatik мазмуни ва унинг контекстда ўзгариши.....  | 72 |
| Sulaymanova Nilufar Jabbarovna. Olam lisoniy manzarasida baho kategoriyasi voqelanishining diskursiv-pragmatik va lingvokognitiv xususiyatlari.....           | 75 |
| Maxsudova Xolixxon Ummatovna, Shahobiddinova Shohida Hoshimovna. Onomastika obyektlari xususida....   | 78 |

### ADABIYOTSHUNOSLIK

|  |    |
|--|----|
| Икромхонова Фируза Икромовна, Файзуллахўжаева Нодира. Тарихий асарларнинг поэтик хусусиятлари..... | 82 |
| Амонов Шермуҳаммад Нормуротович. Аҳмад Табибийнинг туркий девонлари қўлёзмалари тавсифи.....       | 84 |

### PEDAGOGIKA

|  |    |
|--|----|
| Турсунов Қаҳор Шоназарович. XXI асрда таълим-тарбия беришда аниқ ва табиий-илмий фанларнинг роли.....                                  | 88 |
| Matyoqubov Hikmatjon Shuhratovich. "Yadro reaksiyalari" mavzusini o'qitishda samarali interfaol pedagogik metodlardan foydalanish..... | 90 |
| Toshmurodov Otabek Erkinovich. Kurashchilarning chidamkorligini rivojlantirish xususiyatlari.....                                      | 96 |

каби масалалар адабиётшунослик назариясидан келиб чикиб илгари сурилган. Хусусан, Иззат Султон “Тарихий воқеаларни тасвирлаган асарлар факат ўз замонасининг мухим проблемалари нури билан ёритилгандагина адабиётта катта хисса бўлиб кирадилар, замондошлар дикқатини ўзига жалб эта оладилар”, деган фикрни илгари сурган.<sup>1</sup> Академик олиммимиз бу ерда адабиётнинг ҳаёт дарслиги, замондошларга сабоқ бериши имконияти эканлигига эътибор каратган. Юкоридаги мулоҳазаларни якунлаб айтиши мумкини, ўзбек адабиётида тарихий асарлар яратиш анъанаси кўхна тарихга эга.

**Амонов Шермуҳаммад Нормуротович (филология фанлари номзоди, доцент  
Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети)  
АҲМАД ТАБИБИЙНИНГ ТУРКИЙ ДЕВОНЛАРИ ҚҮЛЁЗМАЛАРИ ТАВСИФИ**

**Аннотация.** Аҳмад Табиби таржимон, достоннавис, тазкиранавис сифатида машҳур. У бешта шеърий девон тартиб берган. Мазкур мақолада шоирнинг туркий тилдаги “Мунис ул-ушшак” ва “Хайрат ул-ушшак” девонлари тавсифи ҳақида фикр билдирилган.

**Аннотация.** Аҳмад Табиби известен как переводчик, исследователь дастанов и жанра тазкира. Он создал пять поэтических диванов. В данной статье комментируется описание поэтом тюркских диванов «Мунис ул-ушшак» и «Хайрат ул-ушшак».

**Annotation.** Akhmad Tabibi is known as a translator, dostonnavis, tazkirananvis. He arranged five poetic Divans. This article comments on the poet's description of the Turkic Divans "Munis ul-ushshak" and "Khairat ul-ushshak".

**Калим сўзлар:** Аҳмад Табиби, девон, қўлёзма, тошибосма, фонд, манба, матн, рақам, котиб.

**Ключевые слова:** Аҳмад Табиби, диван, рукопись, литография, фонд, источник, текст, номер, каллиграф.

**Key words:** Akhmad Tabibi, divan, manuscript, lithograph, fund, source, text, number, calligrapher.

ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги Аҳмад Табибийнинг туркий (ўзбек) тилида тартиб берилган икки девони – “Мунис ул-ушшак” ва “Хайрат ул-ушшак” девонлари 6226, 3460, 3461-ракамлари билан сақланмоқда.

**6226-ракамли қўлёзма.** (“Девони Табиби”). Мазкур кўёлёзма Аҳмад Табибийнинг “Мунис ул-ушшак” девонидир. Ушбу қўлёзма манба қалин кора муковада. Мукова устида ҳам охирида ҳам учтадан унвон бор. 1<sup>6</sup>-саҳифада ўргатда қизил сиёҳ билан “Дебочаи Табиби” деб сарлаваха қўйилган. Сўнг “Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим” билан дебоча матни келтирилган. Дебоча куйидагича бошланади:

حمد بیغایت و شای بی نهایت اولمکلم کلام افرين و قایل کتاب فرقان مبین درگاهی غه لاق ...

(Ҳамди бағоят ва саное бениҳоят ул мутакаллими каломи оғарин ва қойили китоби Фуркони мубийн даргоҳига лойик...

الله ارزقنا من نعمته العظمى و اجعلنا من دولته اكبرى آمين و يارب العالمين

(Оллоҳумма марзуқна мин неъматихил узма ва жаъална мин давлатил кубро. Омин ва ё Робал аъламин) деб якунланади.

Девон матни бошдан охиригача аввал тўқ кўк сиёҳда, сўнг тилла рангли жадвал ичида берилган. Айрим саҳифаларда пойгирилар бор. 9<sup>6</sup> ва 10<sup>6</sup>-саҳифалар бўш колдирилган. 10<sup>6</sup>-саҳифада қизил сиёҳда “Девони Табибий туркий мусаммо ба Мунис ул-ушшак” сарлавҳаси бор. Сўнг паства “бирланчи сафҳа” ва “Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим” деган ёзувлар бор. Сўнг шеърлар қизил сиёҳ билан рақамланган ҳолда кўчирилган. Девондаги лирик асарлар шоирнинг:

ای وجودینگنه ايمان ظاهر زمان ايندا

ايلاکيم ايرماس آنگا موجود وقت انتها

(Эй вужудингга эмас зоҳир замони ибтидо,

Уйлаким эрмас онго мавжуд вақти интиҳо) –

матлаъли газали билан бошланади.

<sup>1</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1986, 78-бет.

Ғазаллар 170<sup>a</sup>-саҳифадаги 607-ракамли:  
Баҳоросо жамолинг то намоён ўлди гулзори,  
Онинг юз шитиётк шавқ бирла бўлди гулзори,

матлаъи билан бошланувчи 11 байтдан таркиб топган ғазал билан якунланади. Аслида ғазаллар сони 608 тани ташкил этади. Ғазалларни рақамлашда котиб хатоликларга йўл қўйган.

Ушбу кўлёзманинг таркибига дебоча (1<sup>b</sup>–9<sup>a</sup>-саҳифалар), ғазаллар (10<sup>b</sup>–170<sup>a</sup>-саҳифалар), мустазодлар (170<sup>b</sup>–172<sup>b</sup>-саҳифалар), мураббаълар (172<sup>b</sup>–175<sup>a</sup>-саҳифалар), мухаммаслар (175<sup>b</sup>–213<sup>a</sup>-саҳифалар), мусаддаслар (213<sup>a</sup>–218<sup>a</sup>-саҳифалар), мусаббаба (218<sup>a</sup>–220<sup>a</sup>-саҳифалар), мусамман (221<sup>b</sup>–221<sup>b</sup>-саҳифалар), мутассас (221<sup>b</sup>–222<sup>a</sup>-саҳифалар), муашшар (222<sup>a</sup>–6-саҳифалар), таржеъбанд (223<sup>a</sup>–224<sup>a</sup>-саҳифалар), сокийномалар (224<sup>a</sup>–233<sup>a</sup>-саҳифалар), робойилар (233<sup>a</sup>–245<sup>a</sup>-саҳифалар), касидалар (245<sup>a</sup>–247<sup>b</sup>-саҳифалар), ширу шакар ғазаллар (247<sup>b</sup>–229<sup>a</sup>-саҳифалар), варсокилар (бармок вазнида ёзилган иккита тўртлик шаклидага шеър) (249<sup>a</sup>–250<sup>b</sup>-саҳифалар) каби лирик асарлар киритилган.

Матн сарғиш ранг фабрика қоғозига қора туш билан ўртача катталиқдаги чиройли ҳуснинат билан ҳар саҳифага икки устунда 17 қатордан қилиб кўчирилган. матнлар тилларанг ва кўк жадваллар билан ўралган. Саҳифалар ҳошиясиға кўк рангли чизик тортилган бўлиб, ҳар саҳифанинг қуий қисмида пойгир, ҳар бир саҳифанинг юкори чап бурчагига варакнинг рақами қўйиб борилган. Шеърлар рақамланган. Табибийнинг ушбу девонига жами 608 та ғазал, 3 та мустазод, 3 та мурабба, 53 та мухаммас, 7 та мусаддас, бир мусаббаба, бир мусамман, бир мутассас, бир муашшар, бир таржеъбанд, 5 та маснавий сокийнома, 143 та робойи, 2 та қасида, 6 та муламма ғазал, 2 та варсоки шеър киритилган. Ушбу кўлёзманинг котиби Яқуб девон ибн усто Курбонниёз Хоразмий (Харрот) хисобланади. Ушбу девон 8 рамазон 1327-ҳижрий (1909) 23 сентябрда Муҳаммад Раҳимхон иккинчи (Феруз)нинг буйругига кўра кўчирилган. Аҳмад Табибий “Мунису-л-ушшок” девонининг яна бир кўлёзмаси бўлиб, ушбу манба фонда 3461 рақами остида сакланади.

**3461-ракамли кўлёзма.** (“Девони Табибий”). Ушбу кўлёзма таркибига кўра 6226-ракамли кўлёзма манба билан бир хил. Мазкур кўлёзма девон ҳам дебоча, ғазаллар, мустазодлар, мураббаълар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббаба, мусамман, мутассас, муашшар, таржеъбанд, маснавий сокийномалар, робойилар, касидалар, ширу шакар ғазаллар ва варсокилар киритилган.

Мазкур кўлёзма ҳам “Дебочаи Табибий” билан бошланади. Дебоча матни ҳам, лирик жанрлар кетма-кетлиги ҳам, қшлёзма колофони ҳам 6226-ракамли варианти билан бир хил. Бироқ шеърларнинг ҳажмида, уларнинг кетма-кетлигига бирор ўзгачаликлар учрайди. Масалан, девоннинг 6226-ракамли вариантида робойиларнинг сони 143 та бўлса, ушбу манбада 144 та робой мавжуд. Таъкидлаш керакки, фонда ушбу девоннинг тошбосма нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, унда робойилар сони 142 тани ташкил этади. 3461-ракамли кўлёзма манба 191<sup>a</sup>-саҳифасидаги қуидаги робойи девоннинг тошбосма нусхасида ҳам, 6226-ракамли вариантида ҳам учрамайди:

То лаълинг аро бўлди намоён кулгу,  
Берди баданимга тозадин эсон кулгу,  
Кўнглумни хуши этсанг табассум қилким,  
Қилгуси ман ҳазинни шодон кулгу

**3461-ракамли кўлёзма.** (“Девони Табибий”). Аҳмад Табибийнинг яна бир туркӣ девони ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёзмалар фондида 3461 рақами билан сакланади. Ушбу кўлёзма тўрт қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми шоирининг иккинчи девони хисобланади. Бу ҳақда девоннинг 1<sup>b</sup>-саҳифаси ўртасида ایکی لانجی دیوان طبیبی ( “Икиланчи девони Табибий туркӣ мусаммо баҳайрат ул-ошиқин” ) деб кизил сиёҳда ёзилган. Сўнг қора сиёҳда “Бисмиллохир-Рахмонир-Рахим” деб ёзилиб, Табибийнинг “Ҳайрат ул-ушшок”<sup>1</sup> девонидаги лирик асарлари кўчирилган. Фонддаги манбаларни ўрганиш натижалари хозирча Табибий “Ҳайрат ул-ушшок” девонининг ягона тўлиқ кўлёзмаси мана шу 3460-ракамли манба эканини кўрсатади. Ушбу девоннинг ҳам тошбосма нусхаси мавжуд бўлиб, ушбу тошбосма нусха айнан мана шу кўлёзма асосида босилган.

<sup>1</sup>“Ҳайрат ул-ушшок” девони шу пайтгача шоир ижоди билан боғлиқ маълумотларда “Ҳайрат ул-ошиқин” тарзида номланниб келинган. 3460-инвентар ракамли кўлёзма “Икиланчи девони Табибий туркӣ мусаммо ба Ҳайрат ул-ошиқин” тарзида котиб томонидан сарлавҳаланган. Эҳтимол, шу сабабли девон “Ҳайрат ул-ошиқин” деб номланниб келинган. Бироқ Табибий ўзининг “Мунис ул-ушшок” девони дебочасида ушбу девонини “Ҳайрат ул-ушшок” тарзида келтиради.

Шоирнинг ушбу девонидан ( $1^6$ – $138^6$ -саҳифалар), мустазодлар ( $138^6$ – $139^6$ -саҳифалар), мураббаълар ( $140^a$ – $143^a$ -саҳифалар), мухаммаслар ( $143^a$ – $193^a$ -саҳифалар), мусаддаслар ( $193^a$ – $200^6$ -саҳифалар), мусамманлар ( $200^6$ – $205^6$ -саҳифалар) таржеъбандалар ( $205^6$ – $213^6$ -саҳифалар), маснавийлар ( $213^6$ – $220^a$ ), руబойлар ( $220^a$ – $235^6$ ), китъалар ( $235^6$ – $244^a$ ), бир баҳри тавил ( $244^{a-b}$ ) ва бир қасида ( $244^6$ – $245^a$ ) ўрин олган.

Девондаги асосий матн шоирнинг:

ٿنا بولسون آنگا کيم باردور اول قادر يكتا

قيلور بير امر ايکي حرف ايله هم كون و مكان پيدا

(Сано булсун онзаким, бордур қодири Якто,

Қулур бир амр, икки ҳарф ша ҳам қавну макон пайдо) –

матлаъли ғазали билан бошланади. Девоннинг охири эса Табиийнинг:

هر دعا قىلىم ملانكىدىن بئور آمين آنگا

تاكە آمين دعا خلق ايجره تايغاي اشتھار

(Хар дую қىلسا малоукдин етур “омин” анго,

Токи омини дую ҳалق اىچرا توپقاي شىشىخور) –

мактаси билан якунланувчи қасидаси ҳамда “таммат ал-китоб би авнил маликил-ваҳҳоб”

жумласи билан тутгайди.

Матн кора сиёҳда заводда ишлаб чиқарилган кулранг қоғозга 19 қатордан иборат икки устунда ўрта настаълиқ ҳатида кўчирилган. Саҳифалардаги пойир кўйилмаган. Ҳар бир варакнинг юкори чап бурчагида варақ ракамлари кўйилган. Саҳифа раками варакнинг юкоридаги марказий кисмida жойлашган. Шеърлар кизил рангда рақамланган. Мухаммас ва мусаддасларнинг тепасида тахмис ва мусаддасга асос қилиб олинган ғазал муаллифларининг исмлари ҳам кизил рангда ёзилган.

Ушбу девонда Табиийнинг Лутфий, Навоий, Ҳусайнний, Фузулий, Мунис, Оғаҳий, Феруз, Нишотий, Рожий, Ҳатоий, Амир, Холис, Равнак, Комил, Ҳаёлий, Содик, Аваз, Оқиз, Камолий, Девоний, Доий, Чокар, Надимий, Рогиб, Султоний, Фано, Мирзо, Муродий, Ҳодим, Ҳокий, Шиносий, Ниёзий, Юсуф, Мутриб Ҳонахаробий, Ҳабиб, Умидий, Баёний, Асад, Ғозий, Пуркомил, Вазир, Мушарраф, Ошиқ, Адо, Ҳозик, Фазлий, Нола, Афсус, Ҳижлат, Вахмий, Ҳотам, Надимий, Алайвий, Васфий, Нафий, Насиб, Ғарифий, Бокий, Авний, Наврас, Ҳошим, Зотий, Ноилий, Лайло, Зевар, Фитнат, Шамъий, Моҳир, Айний, Муҳибий, Сомий, Қудсий, Муҳлис, Одил, Парстав, Қоил, Собир ва Гуломийларнинг ғазалларига битилган мухаммаслари мавжуд. Мусаддаслар эса Навоий, Оғаҳий, Гуломий, Рожий, Мунис, Феруз ғазалларига боғланган. Кўлёзма манбанинг  $2^6$ – $7^a$ ,  $8^6$ – $10^a$ ,  $20^6$ – $22^a$ ,  $26^6$ – $27^a$ ,  $30^6$ ,  $35^6$ – $36^a$ ,  $39^6$ – $40^6$ ,  $43^6$ – $45^6$ ,  $48^6$ – $49^a$ ,  $52^6$ – $56^6$ ,  $58^6$ – $61^6$ ,  $62^6$ – $64^a$ ,  $67^6$ – $68^6$ ,  $71^6$ – $72^a$ ,  $75^6$ – $76^a$ ,  $79^6$ ,  $83^6$ – $84^a$ ,  $87^6$ – $88^a$ ,  $91^6$ – $93^a$ ,  $96^6$ ,  $100^6$ – $101^a$ ,  $104^6$ – $114^6$ ,  $117^6$ – $120^6$ ,  $122^6$ – $124^a$ ,  $126^a$ – $131^a$ ,  $132^6$ – $139^6$ ,  $142^6$ – $162^a$ ,  $193^6$ – $194^6$ -саҳифаларининг ҳошияларида ҳам матн жойлаширилган. Ушбу кўлёзма манба жами 245 варакдан иборат. Ўлчами  $27,5 \times 18,5$ .

Мазкур кўлёзма манбада 434 та ғазаллар ракам кўчирилган. Аслида, ғазаллар сони бундан кўпроқ. Яни, ҳошияларда ҳам Табиий қаламига мансуб кўплаб ғазаллар кўчирилган бўлиб, ғазалларни ракамлашда булар эътиборга олинмаган. Яни, кўлёзманинг  $2^6$ -саҳифасидан  $56^6$ -саҳифаларгача бўлган ҳошияларда 54 та ғазал кўчирилган.  $56^6$ -саҳифадан сўнг битта варақ кўшиб кўйилган. Бу варакда ҳам бир ғазал кўчирилган бўлиб, негадир, у ракамланмай кетилган. Кўлёзманинг  $58^a$ -саҳифасидан  $114^6$ -саҳифасигача бўлган ҳошияларда 69 та ғазал кўчирилган.  $114^6$ -саҳифадан  $117^a$ -саҳифагача ҳошияларда шеърлар кўчирилмаган.  $117^6$ -саҳифадан  $138^a$ -саҳифалар ҳошиясида эса 47 та ғазал кўчирилган. Юкорида таъкидланганидек, ракамланган ғазаллар 434 та бўлиб, битта ракамланмаган ғазал билан улар сони 435та. Ҳошияларда 170та ғазал кўчирилгани эътиборга олинса, девондаги ғазалларнинг адди 605 та экани аниқлашади. Кўлёзманинг  $138^6$ -саҳифасида ғазаллар якунланади. Шу саҳифада “Мустазоди Табиий” сарлавҳаси билан шоирнинг 5 та мустазоди келтирилган. Мустазодлар  $138^6$ – $139^6$ -саҳифаларда ва шу саҳифалар ҳошиясида ёзилган.

139<sup>6</sup>-саҳифанинг охири  $140^a$ -саҳифанинг бошидан “Мураббаъи Табиий” сарлавҳаси билан шоирнинг 4 та мураббаъ шеъри бошланади. Мураббаъларнинг биринчisi етти банд бўлиб, колган иккинчи, учинчи ва тўртинчи мураббаълар ўн бир банддан иборат. Мураббаълар  $142^6$ -саҳифада якунланади.  $143^a$ -саҳифадан мухаммаслар бошланган.

Ушбу кўлёзма девонда Табиийнинг Лутфий, Навоий, Ҳусайнний, Фузулий, Мунис, Оғаҳий каби машхур шоирлар қаторида ижоди бизга унчалик таниш бўлмаган Улвий, Нафий, Насиб,

Фарибий, Бокий, Авний, Ноилий, Лайло, Зевар, Фитнат, Шамьй, Мохир, Мухибий, Сомий, Кудусий, Адлий каби ижодкорлар ғазалларига боғлаган мухаммаслари келтирилган.

193<sup>a</sup>-саҳифадан “мусаддасоти Табибий” бошланган. Мусаддасларнинг биринчиси Оғаҳийнинг “Сувратинг” радифли ғазалига боғланган. 193<sup>b</sup>-саҳифада Ғуломий ғазалига, шу саҳифа хошияси ҳам бир мусаддас кўчирилган бўлиб, унга “Мусаддаси Табибий батартиби тазмин” дея сарлавҳа кўйилган. 194<sup>a</sup>-саҳифада Рожий ғазалига, 195<sup>b</sup>-саҳифада Навоий ғазалига, 196<sup>b</sup>-саҳифада Навоий ғазалига, 197<sup>a</sup>-саҳифада Мунис ғазалига, 198<sup>b</sup>-саҳифада эса Табибийнинг ўз ғазалига ёзган мусаддаси, 198<sup>b</sup>-саҳифада Феруз ғазалига, 199<sup>a</sup>–200<sup>a</sup>-саҳифаларда шоирнинг ўз ғазалларига боғланган иккита мусаддаси кўчирилган.

Кўлёzmанинг 200<sup>b</sup>-саҳифасидан Табибийнинг мусамман шеърлари кўчирилиб, мусамманлар 205<sup>b</sup>-саҳифада тугайди. Мусамманлар жами бешта. 205<sup>b</sup>-саҳифадан шоирнинг таржеъбанд шеърлари бошланниб, улар 213<sup>b</sup>-саҳифада якунланади. Таржеъбандлар сони ҳам бештани ташкил этади.

213<sup>b</sup>-саҳифадан “маснавийи сокийномаи Табибий” бошланниб, 220<sup>a</sup>-саҳифагача бешта сокийнома кўчирилган. Кўлёzmанинг шу саҳифасидан рубойилар бошланади. 235<sup>b</sup>-саҳифагача 201 та рубойига рақам кўйиб кўчирилган. Бироқ рубойилар сони 202 тани ташкил этади. Яъни, 220<sup>b</sup>-саҳифа ҳошиясида ҳам бир рубойи кўчирилган бўлиб, у рақамланмаган. Кўлёzма ҳошиясидаги рубой матни куйидаги:

Фарёдки, гардунга бўлуб қаж даврон,  
Қилди мани ҳосилим билди ҳискорон,  
Раҳим айламайин ҳолима асло жсонон,  
Ҳар лаҳза ишиим қилди оҳи афғон.

Кўлёzmанинг 235<sup>b</sup>-саҳифасидан 244<sup>a</sup>-саҳифасигача 75 та рақамланган қитъа кўчирилган. Аслида китъалар сони 77 та, яъни 236<sup>b</sup>-саҳифа ҳошиясида ҳам иккита 5 байтли қитъа кўчирилган бўлиб, улар рақамланмаган. Кўлёzmадаги Табибий китъаларининг ҳажми икки, уч, тўрт, беш, олти ва етти байтли шеърлардан таркиб топган. 244<sup>a</sup>-саҳифада “Бахри тавил Табибий” кўчирилган. Бахри тавил матни “Юрур эрдим фироки шомида кайғу чекиб тинмай даме кўймак бўлуб одат манг, Эй дўстлар, ҳоли забунлнглар била оҳи фиғон айлаб маломат тошидин жисмим Бўлуб мақрух, жонимга етиб иллат, замиримга неча кулфат тушуб ўлмакка мақрун ...” тарзида бошланади.

244<sup>b</sup>-саҳифада 29 байтли “касидаи Табибий” кўчирилган. Ушбу кўлёzма манба тўрт кисмдан таркиб топган. Манбанинг “Хайрат ул-ушшок” кисми, яъни биринчи кисм 245<sup>a</sup>-саҳифада якунланади. Кўлёzmанинг биринчи кисми саҳифаларида пойгир кўйилмаган.

Кўлёzmанинг иккинчи кисми 246<sup>a</sup>-саҳифадан бошланади. Иккинчи кисмда биринчи кисмдан фарқли ўлароқ, саҳифаларда пойгирлар бериб борилган. 246<sup>b</sup>-саҳифада “Басмала” ёзилиб, ундан сўнг, кизил сиёҳда “Нозир Манзур Табибий” дея сарлавҳа кўйилган шеърий матн бошланади. Бу Табибий қаламига мансуб “Нозир ва Манзур” достони матни бўлиб, матн:

Зиҳи қавнайн аро ҳар буду нобудо,  
Бориси кудратинедин бўлди маъжусуд, – тарзида бошланади.  
Достон матни 284<sup>b</sup>-саҳифада якунланади.

285<sup>a</sup>–326<sup>b</sup>-саҳифалар кўлёzmанинг учинчи кисми ҳисобланади. Кўлёzmанинг 327<sup>a</sup>-саҳифасидан тўртинчи кисм бошланади. Ушбу саҳифадан Табибий ижодига мансуб ғазаллар кўчирилган. 32 та ғазал ва бир маснавий кўчирилган бўлиб, кўлёzма 335<sup>a</sup>-саҳифада якунланади.

Хулоса килиб айтгандা, Табибий лирик мероси жанрига кўра тасниф этилса, шоир ижодида ғазал, рубойи, китъа, мураббаба, маснавий, мухаммас, мусаддас, мусаббаба, мусамман, мутассасъ, муашшар, мустазод, қасида, таржеъбанд, сокийнома, ширу шакар, баҳри тавил, варсоки каби на-муналар борлиги аён бўлади. Бу эса шоир ижоди кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришни кўрсатади. Аҳмад Табибий ижодий мероси ҳалигача тўлиқ илмий тадқиқ этилганий ўй. Шоирнинг санокли шеърларигина ҳамда “Вомик ва Азро” достони кискартирилиб нашр этилган. Табибийнинг бутун бошли девонларини нашрга тайёрлаш, шу асосда, шоир ижодининг миллий адабиётимиз тарихида тутган ўринини белгилаш ечимини кутаётган илмий муаммолардандир.